

1 – масала

“2013-2014 ўқув йили якунлари ва 2014-2015 ўқув йилидаги долзарб вазифалари ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2014 йил 6 декабр 3/1 сонли қарори

Илмий кенгаш **“2013-2014 ўқув йили якунлари ва 2014-2015 ўқув йилидаги долзарб вазифалари ҳақида”**ги масала юзасидан институт ректори **С.И.Ахмедовнинг** маърузасини тинглаб, муҳокама этиб, қуйидагиларни таъкидлайди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг олий ва ўрта махсус таълим тизимини такомиллаштиришга оид Фармон ва қарорларидан келиб чиққан ҳолда 2013-2014 ўқув йилида институтда маълум ишлар амалга оширилди.

Институтда соғлом муҳитни таъминлаш ишлари ва талаба-ёшлар ўртасида ҳамжиҳатлик муҳитини яратиш мақсадида институт раҳбариятининг профессор-ўқитувчи ва талабалари билан учрашувлари режа асосида ўтказилиб борилди.

Ўтган 2013-2014 ўқув йилида **22 та** бакалавр таълим йўналишлари ва **12 та** магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш амалга оширилди.

Институтда ўқув жараёнини ташкил этиш институтнинг **4 та** факультети ва **26 та** кафедралари томонидан амалга оширилди.

Ўтган ҳисобот йилида талабалар контингенти **3336** нафарни ташкил этиб, шулардан **3225** нафари бакалаврият, **111** нафари магистратура талабалари.

Профессор-ўқитувчилар **349,75 штат** бирлигини ташкил этиб, **412 нафар** профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатди. Шу жумладан илмий унвон ва илмий даражали профессор-ўқитувчилар **132 нафарни**, яъни илмий салоҳият **39 %** ни ташкил этади. Бу кўрсаткич охириги йилларда **камайиш тенденциясини олган**.

2014 йилнинг 20-21 май кунлари *“Мухандислик коммуникация тизимларини лойиҳалаш, қуриш ва модернизациялашнинг замонавий масалалари”* мавзусида халқаро илмий-техник конференцияси ўтказилди.

АЛ ва КХК ларида етишмаётган ўқув адабиётлари ўрнини тўлдириш мақсадида институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан ўтган ҳисобот даврида **8 та ўқув қўлланма** тайёрланиб Ўрта махсус касб-хунар таълим Марказининг “Янги авлод дарсликлари ва қўлланмаларини яратиш ва улар билан таъминлашни ташкил этиш” бўлимига тақдим этилди.

Ўтган ўқув йили давомида **51 нафар** профессор-ўқитувчиларимиз институтимизга бириктирилган АЛ ва КХКларда юқори савияда замонавий педагогик ва ахборот технологиялар асосида дарс жараёнларини шакллантириб келишди.

2014 йилнинг 9 ойи давомида бюджет маблағлари ҳисобидан **5 млрд 400 млн сўм** молиялаштирилди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида тадбиркорлик асосида **175 млн сўм** ишлаб топилди.

Шу режага асосан жорий йилнинг баҳор ойларида институт ҳудудида **410 дона** дарахтлар, шу жумладан **210 дона** манзарали, **150 дона** мевали, ва **50 дона** терак ҳамда **6000 дона** гул кўчатлари ва **300 м2** “Канада-грин” ўти экилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “2013-2014 ўқув йили якунлари ва 2014-2015 ўқув йилидаги долзарб вазифалари ҳақида”ги масала юзасидан институт ректори **С.И.Ахмедовнинг** ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.
2. Институтда талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг **“Одоб ахлоқ қоидалари”**га тўлиғича амал қилишларига эришилсин. **Масуллар:** Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор **Ғ.Х.Яхшибоев**, Факультет деканлари ва кафедра мудирилари.
3. Талабалар турар жойида яшовчи талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида **ҳар чоракда** турли спорт мусобақаларини ташкил этилсин. **Масъуллар:** Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи **Т.Эгамов** ва “Жисмоний тарбия” кафедралар мудири **Ш.Я.Ҳусайинов**.

4. Ҳар бир кафедра ўқув жараёнида дарсларни замонавий педагогик технологияларидан фойдаланиб, институтдаги мавжуд видео проекторлар, электрон доскалар ва компьютер технологияларидан максимал даражада фойдаланилсин. **Маъсуллар:** Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов**, АТМ бошлиғи **И.Эгамов**, факультет деканлари, кафедра мудирлари. **Муддат:** Ўқув йили давомида.
5. Институт профессор ўқитувчиларининг чет тили ва ахборот технологияларини билим даражасини ошириш бўйича 144 соатлик ўқув машғулоти ташкил этилсин ва унинг натижаси илмий-услубий кенгашда муҳокама қилинсин. **Маъсуллар:** Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов**, факультет деканлари, “Тилларни ўрганиш” кафедраси мудир **Д.Э.Мансурова** ва “Информатика ва ахборот технологиялари” кафедраси мудир **У.А.Назаров**. **Муддат:** ўқув йили давомида.
6. Мутахассис чиқарувчи кафедралар ҳамкорлигида 2014-2015 ўқув йилида давлат бюджети ҳисобидан ўқиган битирувчиларнинг барчаси иш ўринлари билан таъминланишига эришилсин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари, махсус кафедра мудирлари, Маркетинг хизмати бўлими **М.У.Саримсоқов**. **Муддат:** 2015 йил август ойигача.
7. АЛ ва КХКлари ўқитувчиларининг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш мақсадида ҳар бир кафедра камида биттадан ўрта махсус таълим муассасаси ўқитувчисини институтда бажарилаётган илмий-услубий ва илмий-тадқиқот ишларига жалб этсин. **Маъсуллар:** АЛ ва КХКлари билан ишлаш бўйича проректор **А.Н.Гадаев** ва кафедра мудирлари. **Муддати:** Ўқув йили давомида.
8. Мутахассис чиқарувчи кафедралар томонидан Давлат илмий-техник дастурлари грантларида ва танловларида ёш олимлар иштирокини таъминлансин, хўжалик шартномалари асосида илмий-тадқиқот ишларини кенгайтирилсин. **Маъсуллар:** Илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков** ва мутахассис чиқарувчи кафедра мудирлари. **Муддати:** Ўқув йили давомида.
9. Институт ҳудуди ва биноларида олиб борилаётган жорий ва капитал таъмирлаш ишлари 2014-2015 ўқув йилида ҳам режа бўйича давом эттирилсин. **Маъсуллар:** Молия ва иқтисодиёт ишлари проректори **Б.Қ.Абдусаматов**.
10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш барча соҳалар бўйича проректорлар зиммаларига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

2 – масала

“2013-2014 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича баҳорги семестр якунлари ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2014 йил 6 декабр 3/2-сонли қарори

“2013-2014 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича баҳорги семестр якунлари ҳақида”ги масала юзасидан ўқув ишлари бўйича проректор А.Т.Қўлдашевнинг ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

2012-2013 йилининг кузги семестрида ўқув жараёнида назоратни ташкил этишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғига асосан институтда ректорнинг 2010 йил 6-сентябрдаги 93-у сонли буйруғи билан тасдиқланган «**Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида**»ги Низоми асосида амалга оширилди. Семестр давомида жорий, оралиқ назоратлари ўтказиб борилди.

Якуний назоратларни холисона, адолатли ўтказиш мақсадида институтнинг назорат ва мониторинг бўлими ҳамда ўқув бўлими ходимлари томонидан ўқув ишлари проректори бошчилигида комиссия ташкил этилиб, талабаларнинг якуний назорати кафедра мудирлари бошчилигида баҳоланди.

Баҳорги семестр якунлари бўйича институтда жами **3336** нафар талабалар рейтинг топширишиб, шундан **3225** нафар бакалавр талабаларидан **3195** нафари (99.1%) ва **111** нафар магистрантларнинг барчаси (100 %), жами **3306** нафар талабалар рейтинг назоратларни топширишди. Бу институт бўйича жами талабалар ва магистрантларнинг **99.1 %** ни ташкил этади. Баҳорги семестр натижалари бўйича 1-2-3-босқич талабаларнинг сифат кўрсаткичи қуйидагича бўлди. Улардан **878** нафари 4-5 баҳоларга (71 баллдан юқори тўплаган) топширди. Бу кўрсаткич **26,7 %** ни ташкил этади. Бу натижа кузги семестр натижаларига нисбатан **4,3 %** га кўпайганлигини кўрамыз.

2013/2014 ўқув йили баҳорги семестр якунларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича тахлилий натижаларини факультетлар миқёсида қаралганда бу кўрсаткичлар қуйидагини ташкил этади.

№	Факультетлар номи	Умумий талабалар сони	Фанларни ўзлаштиш бўйича талабалар сони:			Баҳорги семестр натижаларига кўра ўзлаштира олмаган талабалар	
			86-100 баллга	71-85 баллга	55-70 баллга	сонда	фоизда
1	“Архитектура” факультети	937	168	317	448	4	0,4%
2	“Қурилиш” факультети	1071	69	206	781	15	1,4%
3	“Қурилишни бошқариш” факультети	455	48	76	322	9	2,0%
4	“МКҚ” факультети	762	62	196	502	2	0,3%
	Жами	3225	347	795	2053	30	0,9%
5	Магистратура	111	26	37	48		
	Институт бўйича жами	3336	373	832	2101	30	0,9%

Кузатишлар натижаси бўйича энг кам кўрсаткични “Қурилишни бошқариш” факультети берди.

Рейтинг натижаларини кузатиш асосида яна шулар маълум бўлдики, факультет деканатлари томонидан ҳам кўпгина камчиликларга йўл қўйилган. Яъни, қайдномаларнинг аксарияти рўйхатга олинмаганлиги ва рейтинг қайдномаларни кафедра мудирлари томонидан тасдиқланмаганлиги ҳамда рейтинг қайдномаларини профессор-ўқитувчилар томонидан бузганликлари маълум бўлди.

Талабалар ўзлаштиришининг ўсишига институтда талабалар билимини баҳолашда рейтинг системасини қўлланилиши, ўқув фанлар бўйича кўшимча маслаҳатларни уюштирилиши, талабалар мустақил ишларини ташкил этишда услубий

таъминотни яхшиланиши, кафедралар ўқитувчилари томонидан тузилган ва АРМга берилган компьютер ўқув дастурларидан, электрон ўқув қўлланмаларидан, маъруза матнларидан талабаларнинг кенг фойдаланишига олиб келишимиз керак бўлади.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “2013-2014 ўқув йили бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича бахорги семестр якунлари ҳақида”ги масала юзасидан ўқув ишлари проректори **А.Т.Қўлдашевнинг** маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.
2. Бахорги семестр якунлари бўйича талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ва давомати паст бўлганлиги сабаблари ва шу жумладан талабаларнинг фанларни ўз вақтида (қайта топширишларсиз) ўзлаштириши 70% дан паст бўлган фанлар руйхати аниқланилиб, ҳар бир кафедра кесимида, факультет кенгашларида атрофлича ўрганилиб чиқилсин ва уни яхшилаш чора тадбирлари белгилансин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари ва кафедра мудирлари. **Муддати:** 2014 йил 20 декабр гача.
3. Биринчи курсга қабул қилинган талабаларга жорий, оралиқ назорат турларининг ўтказилиш тартиби тўғрисида алоҳида тушунтириш ишлари олиб борилсин, барча курс талабалари учун янги ўқув йилининг кузги семестрида тўплаган баллари тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида ўтказилиши ва рейтинг ойнасида ёритиб борилиши тўлиқ таъминлансин ва назоратга олинсин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари, кафедра мудирлари ва фан ўқитувлари. **Муддати:** Семестр бўйича тасдиқланган жадвал асосида.
4. Талабаларнинг давомати, ўзлаштириши ҳамда талабаларнинг дарсга келиб кетишлари қаттиқ назоратга олинсин ва уларни яхшилашга қаратилган тадбирлар қайтадан ишлаб чиқилсин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари, кафедра мудирлари ва гуруҳ мураббийлари. **Муддат:** Муддат 2014 йилнинг 20 декабри гача
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

3 – масала

“2013-2014 ўқув йили учун бакалавиятура ва магистратура таълим босқичларига қабул натижалари тўғрисида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2014 йил 6 декабр 3/3-сонли қарори

“2014-2015 ўқув йили учун бакалавиятура ва магистратура таълим босқичларига қабул натижалари тўғрисида”ги масала юзасидан қабул комиссияси масъул котиби Б.И.Саидмуратовнинг ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Институт қабул комиссияси ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 26 июндаги “2014-2015 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги **ПҚ-2193 сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 26 июндаги 244-сонли “2014-2015 ўқув йили қабулини юқори савияда ташкил этиш тўғрисида”ги, 2014 йил 19 июлдаги № 286 рақамли “2014/2015 ўқув йилига олий таълим муассасалари магистратурасига кириш синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги буйруқлари ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги, “Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги, “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги **Низомлар** ва институтнинг 2014 йил 28 июндаги 170-у-сон буйруғига амал қилган ҳолда ташкил этилди**

Қабул комиссияси аъзолари ва техник ходимлар таркиби институт ректорининг **19 июнь 2014 йил Х-55 - сонли** буйруғи билан тасдиқланди.

2014-2015 ўқув йили қабулига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш мақсадида институт бўйича қабул комиссиясининг тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва шу режа асосида ишларни бажариш таъминланди.

Институтимизда абитуриентларнинг ҳужжатларини **15 та** таълим йўналишлари бўйича қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли харбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **2012 йил 31 майдаги ПҚ-1765-сонли қарори** ва Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли харбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги **Низом** ҳақида абитуриентларга, уларнинг ота-оналарига маълумот бериш ва мазкур тоифадаги абитуриентни қабул қилиш тартиби тўғрисида институтда тўлиқ ахборот бериш чоралари кўриилди ва тест синовларида белгиланган имтиёзлар абитуриентларга тушунтирилди (**57 та ҳарбий имтиёзга эга бўлган абитуриентлардан ҳужжатлар тушди**).

2014-2015 ўқув йилида қабул комиссияси томонидан абитуриентлардан жами **5945 та** (*ўтган ўқув йилида 3940 та*) ҳужжат қабул қилинди.

ДТМнинг тест синовларига натижаларига кўра институтга 2014-2015 ўқув йилининг 1 декабр ҳолатига кўра жами **1066 та**, шундан **424 та** давлат гранти ва **642 та** тўлов-шартномаси шартларини бажарганлар институт талабалари сафига қабул қилинди.

2014-2015 ўқув йилига институт магистратурасига кириш синовларини «Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги **Низом**»га мувофиқ ташкил этилди ва ўтказилиши таъминланди.

СамДАҚИда 2014-2015 ўқув йилида магистрлар тайёрлаш бўйича қабул режаси **11 та** мутахассисликлар бўйича **75 та** жой берилган бўлиб бундан **34 таси** давлат гранти, **41 та** ўрин эса тўлов–контракт асосидадир. Бу мутахассисликлар бўйича жами **107 та** абитуриентлардан аризалар тушди. Магистратурага қабул натижасига кўра **11 та** мутахассисликлар бўйича **61 та** магистр қабул қилинди.

Талабалари ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича институт қабул комиссиясига **107 та** хужжат топширилган бўлиб, бу ишлар белгиланган тартибда Низом асосида амалга оширилди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади

1. “2014-2015 ўқув йили учун бакалаватура ва магистратура таълим босқичларига қабул натижалари тўғрисида”ги масала юзасидан қабул комиссияси масъул котиби **Б.И.Саидмуратов**нинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.
2. Магистратура қабули бўйича тўлма қолган ўринлар, яъни “Шаҳар транспорти хўжалиги ва алоқа йўллари”, “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш”, “Геодезия ва картография”, “Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш”, “Ландшафтлар архитектураси”, “Бино ва иншоотлар архитектураси” мутахассисликлари бўйича тегишли кафедраларда мутахассисликга йўналтириш ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги таъкидлаб ўтилсин ва уни яхшилаш чоралари кўрилсин. **Масъуллар:** Масъул кафедра мудирлари, қабул комиссияси аъзолари, маркетинг хизмати бўлими. **Муддати:** Доимий.
3. 2014-2015 ўқув йилида режалаштирилган тўлов-контракт маблағлари тўлиқ ва белгиланган муддатларда ундириб олинсин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари ва мутахассис чиқарувчи кафедра мудирлари.
4. Келгусида аудитория кузатувчиси сифатида жалб қилинадиган институт профессор-ўқитувчиларнинг барчасини 1-августдаги тест синовларига қатнаштириш сўзсиз таъминлансин. **Маъсуллар:** Қабул комиссияси масъул котиби ва кафедра мудирлари.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

Ҳар хил масалалар.

Кун тартибидаги ҳар хил масалалар бўйича сўз молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректори **Б.Қ.Абдусаматов**га берилди.

I. Институт профессор-ўқитувчилари ва ишчи-ходимларни рағбатлантириш ҳақида.

Эшитилди:

8-декабр Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрами ва Конституциянинг 22 йиллиги ҳамда яқинлашиб келаётган янги 2015 йил байрами муносабати билан 2014 йил давомида институтнинг ўқув-услубий, маънавий-маърифий, илмий ва жамоатчилик ишларида фаол иштирок этган профессор-ўқитувчилар ва ишчи-ходимларни моддий рағбатлантириш тўғрисида институт молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректори **Б.Қ.Абдусаматов** таклиф киритди.

Ушбу масала бўйича сўзга чиққанлар мазкур таклифни қўллаб-қувватлашни таъкидлаб ўтди ва ушбу таклиф илмий кенгаш аъзолари томонидан тасдиқланди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

8-декабр Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллиги ҳамда яқинлашиб келаётган янги 2015 йил байрами муносабати билан 2014 йил давомида институтнинг ўқув-услубий, маънавий-маърифий, илмий ва жамоатчилик ишларида фаол иштирок этган профессор-ўқитувчилар ва ишчи-ходимлар моддий рағбатлантирилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов